



XX аср буюк сиёсатчиларидан бири Мустафо Камол Отатурк (1881-1938 йиллар) мустакил Туркия Республикасининг асосчиси ва биринчи президенти сифатида ўз халқи хотирасида чуқур из қолдирган. У ўз қуч-қудрати ва қобилиятини турк халқига садокат билан хизмат қилиш ишига бағишлади. Мустафо Камол президентлиги (1923-1938 йиллар) бизда, шўро маъмурий бўйруқбозлик тизими ўрнатилган, «мухожирлик тўлкинлари» авж олган, минглаб юртдошларимизнинг йўли ўз Ватанидан айри тушган даврга тўғри келади.

Маълумки, ўзбек мухожирлари шўролар таъқиби ва тазйиқи натижасида аввало қўшни Афғонистон ва Хитой давлатлари ҳудудига ўтиб кетишган. Афғонистонга эски амирлик тарафдорлари ҳам, шўро ҳукумати органларида ишлаб кейинчалик унинг сиёсатидан норози бўлган ҳукумат аъзолари ҳам, истиклолчилик ҳаракати иштирокчилари ҳам, тушуниб-тушунмай мухожирликни ихтиёр қилган оддий халқ вакиллари ҳам бошпана излаб борадилар. Ўша пайтдаги афғон амири Омонуллахон (1892-1960 йиллар; 1919-1929 йиллар) шўро ҳукумати талаби билан ватандошларимизни ўз юртидан чиқариб юборди. Туркия Республикаси президенти Мустафо Камол бу воқеалардан хабардор бўлиб, мамлакатдаги оғир шароитга қарамай афғон амирига норозилик билдирган.

1922 йилда Бухоро Халқ Шўролар жумҳуриятининг биринчи раиси бўлган Усмонхўжа Пўлатхўжаев (1890-1968 йиллар) шўро ноинсоний сиёсатидан норози бўлиб, Афғонистонга ўтади. 1923 йилда уни афғон амири Омонуллахон ўз ҳузурига қорлаб икки-уч кун ичида Афғонистондан чиқиб кетиш талабини қўяди. Афғонистондан Туркияга йўл олган Усмонхўжани Мустафо Камол ўз меҳмонидек қабул қилади. Ўзаро мулоқотда ватандошимиздан Туркия давлат органларида фаолият олиб боришини сўрайди. Лекин У. Пўлатхўжаев сиёсатдан узоқлашиб, Туркистон маданияти масалалари билан шугулланиш максоди борлигини айтади. Мустафо Камол Усмонхўжанинг хайрли ишларига қўлқўш ва маънавий мадад берган. Аввало, унга давлат миқёсида қатта нафақа белгилайди. У. Пўлатхўжаев 1926 йил Туркияда «Янги Туркистон» номли мажмуа нашр эттирган. Кейинчалик «Турк культур» институтига асос қўйилган.

Қези қелганда қайд қилиш қеракки, У. Пўлатхўжаев вафотидан кейин нафақа унинг турмуш ўртоғига тўланган. Туркияда давлат арбоблари ва ҳурматли кишилар вафот этса турк миллий байроғига ўраб дафн этилади. У. Пўлатхўжаев ҳам шундай иззат-иқромга лойиқ бўлганлардан биридир.

Мустафо Камол ота-боболар юрти Туркистонга ўзгача ҳурмат ва эҳтиром билан қарар эди. Шунинг учун у янги тузилажак республикани Туркистон деб аташ таклифларига жавобан: «Қўхна Туркистон аждодларимиз юрти, бизнинг давлатимиз Туркия деб

аталади»-деганди.

Мустафо Камол Туркистондаги ўзгаришларини диққат билан кузатиб борган. Маълумки, 1922 йилнинг охиригача 47 нафар йигит ва биргина киз илм олиш учун Германияга юборилган. Бирок бу хайрли ишлар ярим йўлда қолиб, ватандошларимиз Ўзбекистонга чакириб олинган. Она юртига қайтганлар «немис айгокчиси», «жосус» айблари билан ўлимга маҳкум этилган, ёки Сибирга сургун қилинганлар. Ўзбекистонга қайтмаган 14-16 нафар собик талаба Туркия олий даргохларида ишлаб олим, сиёсатчи, ҳуқуқшунос, муҳандис бўлиб етишди.

Туркия Республикаси эълон қилинганидан сўнг (1923 йил 29 октябрь) янги давлатнинг гимнини ёзиш вазифаси қўйилади. 1924 йилда Туркия Республикасининг гимни «Истиклол» яратилди. Гимн муаллифи Мехмет Акиф Эрсуйдир. Матбуот хабарларида айтилишича, бу адибнинг отаси мударрис Мехмет Тохир ва онаси Аминалар асли бухоролик бўлиб, XIX аср охирида Туркияга бориб қолишган эди.

XX аср 30-йилларида шўро ҳукумати талаби билан Афғонистондаги ўзбек мухожирларига нисбатан жабр-зулм ўтказилади. Уларнинг катта қисми яшаш шароити огир бўлган, ёзда ўта иссиқ, тинимсиз гармсел эсиб турадиган Хелманд вилоятига қўчирилади. Бу ўлкада кўпгина юртдошларимиз, айниқса кексалар ва болалар ҳаётдан қўз юмади.

Камол Отатурк Туркиядаги афгон элчиси Файз Муҳаммадхонни ҳузурига қорлаб: «Агар мамлакатингизда Туркистон мусулмон мухожирлари учун жой бўлмаса бизга топширинг!» дегани бежиз эмас. Бу фикрлар мухожир, марҳум юртдошимиз Саид Мубаширхон Косонийнинг «Хотиралари»дан ўрин олган.

Мустафо Камол мухожир ўзбеклар ўлка об-ҳавоси, табиати, аҳолининг урф-одатлари Ўзбекистонга яқинлиги учун Туркияни танлаганликларини яхши биларди. Ёш давлати олдида қанчалик муаммо ва қийинчиликлар бўлишига қарамай, мумкин қадар мусофирларга шарт-шароитлар яратишни истарди. Унинг Анкарадаги афгон элчисига билдирган эътирозлари сўздагина эмас, амалда ўз ибботини топди. Фикримиз далили сифатида туркиялик мухожир, 30-йилларда Ватандан чиқиб кетган Жўра Кори Бўтакўзнинг «Туркия ҳукумати кўпгина мамлакатларда яшовчи ва турк тилида сўзлашувчи халқларни ўзига чакираётган эди. Уларга арзон нархларда мол-мулк, ер, қорва моллари беришарди»-мазмундаги маълумотини келтириш мумкин.

Мустафо Камол Отатурк президентлиги даврида туркистонлик зиёли мухожирлар Туркиянинг нуфузли олийгохларида фаолият олиб боришди.

Жумладан, профессор Аҳмад Закий Валидий Тўгон Истамбул Университети «Умумтурк тарихи» кафедрасини бошқарган. У Туркияда яшаб Темур ва темурийлар тарихига доир ўттизга яқин тадқиқот яратди.

Туркиянинг биринчи президенти мухожир юртдошларимизга эркин матбуот органлари ташкил этиш, илмий марказлар очиш, ўзлари хоҳлаган соҳа билан шугулланиш имкониятларини мумкин қадар яратиб берди.

Унинг инсонийлиги ва ғамхўрлиги туфайли мухожир ўзбекларнинг анча қисми ўз ҳаёт йўлларини янгидан тикладилар. Улар ҳозир ҳаёт эмаслар, лекин фарзандлари у ёки бу маънода Туркия тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Мустафо Камол узокни кўра оладиган келажакдаги тараққиёт йўлларини идрок этган давлат арбоби эди. Мустафо Камолнинг эрки топталган қардошларига нисбатан эҳтироми дунёдаги яхшиликларнинг энг чиройли гулдастасидир. Чунки у «мусофирнинг елкаси ва тили қисик бўлади»-деган нақлни чуқур идрок этган, ўзга юртда ўзбек

мухожирлари учун «Ватан кашшоклиги» ҳам етарли эканлигини тушуна олган буюк шахсдир. Бугунги кунда Туркия Республикаси ҳудудида истикомат қилаётган 150-170 минг атрофидаги туркистонликлар Мустафо Камолга нисбатан алоҳида меҳр-муҳаббат ҳиссини туядилар. Уларнинг кўпчиликлари XX аср 20-30 йилларида мухожирликка маҳкум этилганларнинг фарзандларидир. Биз ушбу масаладаги фикримизни ҳозиргача ўз аҳамиятини заррача ҳам йўқотмаган Мустафо Камол Отатуркнинг макбараси деворидаги: «Эрк такчиллиги бор жойда ҳамма нарса такчилдир. Ҳамма нарса давлатники деган жойда халқ юпун, оч, кашшок, гадо, шахсий манфаат бўлмаган жойда юксалиш, тараккиёт йўқ»-деган ёзувлар билан тугатишни лозим топдик. Истиқлол орзусида ўзга элларда дарбадар бўлиб ҳаётдан кўз юмган мухожир ўзбекларнинг эрк ва озодлик, ҳурлик ва тенглик каби олий истаклари бизга насиб этганидан шукроналик ҳиссини тўйиб яшаш эса олий бахтдир.